



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАР КИРИТИШ ЗАРУРАТИ

Яхшимуратова Айханум Рустамовна

*Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти
тадқиқотчиси. ayxanum_92@mail.ru*

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss3/a8

Аннотация

Экологик муаммоли ҳудудларни ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлишини ошириш, бу каби саъй-ҳаракатлар учун сармоя киритиш долзарб аҳамиятга эга ҳисобланади. Бу каби муаммоли ҳудудга мисол қилиб Оролбўйи минтақаси ҳисобланмиш Қорақалпоғистон Республикасини айтиш мумкин. Мавзунинг қанчалик долзарблигини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 2017 йил бўлиб ўтган 72–сессиясидаги сўзлаган нутқида Орол денгизининг экологик фожиасига алоҳида эътибор қаратганлигида ҳам кўришимиз мумкин. Чунки Орол денгизи қуриши оқибатларини бартараф этиш халқаро саъй-ҳаракатларнинг фаол мустақамланишини талаб қилади. Тадқиқотда экологик муаммоли ҳудудлар таснифланган, бундай ҳудудларга инвестициялар киритиш зарурияти очиб берилган ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг сўнгги йиллардаги инвестицион фаолияти таҳлил қилинган ва минтақага инвестициялар жалб қилишни янада фаоллаштириш борасида таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар. Экологик муаммолар, ҳудуд иқтисодиёти, экологияни асраш, Орол фожеаси, хорижий инвестициялар, имтиёзлар, ҳудуд ривожланиши.

Аннотация

Важно развивать экологически проблемные территории, повышать уровень жизни населения, инвестировать в эти усилия. Примером такой проблемной зоны является Республика Каракалпакстан, представляющая собой Приаралье. Актуальность вопроса видится в том, что Президент Республики Узбекистан Ш.Мирзиёев в своем выступлении на 72-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН в 2017 году уделил особое внимание экологической трагедии Аральского моря. Потому что преодоление последствий высыхания Аральского моря требует активного усиления международных усилий. В исследовании классифицированы экологически проблемные территории, выявлена необходимость инвестирования в такие сферы, проанализирована инвестиционная деятельность Республики Каракалпакстан за последние годы и сделаны предложения и рекомендации по дальнейшему инвестированию в регионе.

Ключевые слова. Экологические проблемы, региональная экономика, охрана окружающей среды, трагедия Арала, иностранные инвестиции, льготы, региональное развитие.

Abstract

It is important to develop environmentally problematic areas, increase the welfare of the population, and invest in such efforts. An example of such a problem area is the Republic of Karakalpakstan, which is the Aral Sea region. The urgency of the issue can be seen in the fact that

the President of the Republic of Uzbekistan Sh. Mirziyoyev in his speech at the 72nd session of the UN General Assembly in 2017 paid special attention to the environmental tragedy of the Aral Sea. Because overcoming the consequences of the drying up of the Aral Sea requires the active strengthening of international efforts. The study classifies environmentally problematic areas, reveals the need to invest in such areas, analyzes the investment activity of the Republic of Karakalpakstan in recent years and makes suggestions and recommendations for further investment in the region.

Key words. Environmental issues, regional economy, environmental protection, the Aral Sea tragedy, foreign investment, benefits, regional development.

Кириш

Дунё иқтисодиётида таркибий жиҳатдан саноатлаштириш ва урбанизация жараёнларига асосланган жадал иқтисодий ривожланиш атроф-муҳитга юқори босимни келтириб чиқаради. Кўплаб мамлакатлар мисолида бу муаммо айниқса кескин, чунки гап табиий ресурсларнинг жиддий танқислигини бошдан кечираётган мамлакатларнинг келажаги ҳақида боради.

Бугун кўпгина мамлакатлар инсониятнинг атроф-муҳитга жиддий ножўя таъсирлари оқибати билан курашмоқда. Йирик ҳудудларнинг қуруқлашиб кетиши, чўл зоналарига айланиши, атмосферанинг бузилиши, иссиқхона самараси оқибатида озон қатламининг емирилиши, турли саноат чиқиндилари оқибатида сув ҳавзаларининг яроқсиз аҳволга келиши, био хилма-хилликнинг камайиб бориши ва бошқа шу каби муаммолар тезлик билан чора кўрилиши керак бўлган вазият юзага келган.

Жаҳон ҳамжамиятини ички сув ҳавзалари - денгиз ва қўлларнинг қуриши ва нобуд бўлиши муаммолари ташвишга солмоқда ва улар ер юзиде жуда кўп. Бугунги кунда Ўрта Осиёда Орол, Яқин Шарқда Ўлик, АҚШдаги Оуенс ва Африкадаги Чад денгизлари, АҚШдаги Катта Туз Кўли, Мексикадаги Чапал қўллари шундай таназзулга юз тутмоқда. Уларнинг таназзулга учрашининг асосий сабаби аҳоли сонининг кўпайиши ва унинг иқтисодий фаоллиги билан боғлиқ бўлган ҳудудларда сув истеъмолининг ўсишидир. Ушбу сув омборларининг қуриши одамларнинг турмуш даражасига, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи ва табиий тизимлар фаолиятининг беқарорлаштирувчи омили бўлган глобал экологик ҳалокат сифатида таснифланади¹.

Бутун дунё миқёсида инсониятнинг у ёки бу таъсири остида фалокатли оқибатларга келиб қолган ҳудудлар жуда кўп. Биргина мисол тариқасида ўтган асрнинг 60-йилларида бошланган ва Собиқ Иттифоқ мамлакатлари томонидан дарё сувларининг ҳаддан ортиқ сарфланиши оқибатида йирик Орол денгизининг қуриш жараёни бошланган.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бугун Оролнинг қуриган қисмида 5,5 млн. гектарга тенг ҳудудда янги тузли чўл пайдо бўлган. Бу ҳудудларда йилига 90 кундан ортиқ давр мобайнида чанг бўронлари содир бўлади ва 100 млн. тоннадан ортиқ чанг ва заҳарли тузларни атмосферага кўтариб, минглаб километрларга ёйиб юборади.

Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистоннинг шимолида жойлашган минтақа ҳисобланиб, ҳудудининг катталиги бўйича мамлакатда биринчи ҳисобланади. Ўрта Осиёда ягона бўлган Орол денгизининг бир қисми айнан Қорақалпоғистон ҳудудида жойлашган бўлиб, бугунги кунда Орол денгизи ўз ҳавзасидан бир неча мартага кичрайиб, қуриб қолган ва экологик вазият нохуш бўлган ҳудудга айланиб улгурган.

Шунинг учун ҳам Орол инқирозининг атроф-муҳит ва Оролбўйи минтақаси аҳолиси ҳаётига салбий таъсирини қисқартириш, шунингдек иқлим таъсирининг янада ёмонлашишини юмшатиш ёки олдини олиш бугунги кундаги энг муҳим вазифалардан саналади.

Ўзбекистон раҳбари Ш.Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги чиқишида Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш ҳақида махсус резолюциясини қабул қилиш ҳамда ушбу муҳим ҳужжат тасдиқланган санани Халқаро экологик тизимларни ҳимоя қилиш ва тиклаш кунини сифатида нишонлаш таклифини билдириши ҳам тадқиқот мавзусининг долзарблигини англатади.

Тадқиқот мақсади экологик ноҳуш ҳудуд ҳисобланувчи Қорақалпоғистон Республикасига инвестициялар киритишни янада фаоллаштириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Ҳудудларда мавжуд экологик муаммолар, экология ва иқтисодий ўсиш, экологиянинг иқтисодиётга таъсири, бундай ҳудудларга инвестициялар киритишнинг зарурияти, сабаблари каби илмий тадқиқот ишлари олимлар томонидан ўтган асрнинг иккинчи ярмидан кейин чуқурроқ ўрганила бошланди.

Шулардан баъзиларини кўриб чиқадиган бўлсак, Л. Ситак ўз мақоласида инсоннинг табиат билан муносабатлари тўғрисида тўхталиб шундай дейди, “Инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар масалалари тарихий тараққиётнинг барча босқичларида кўплаб файласуфлар ва олимлар томонидан ўрганилган, хусусан, рақамли иқтисодиёт жараёнида аҳолининг ўсиши билан жамиятнинг моддий эҳтиёжлари ортиб борди, бу илм-фан, техника ва технологияни янада такомиллаштириш ва ривожлантиришни тақазо этарди бу эса экология билан чамбарчас боғлиқ эди бунда эҳтиёжлар табиат неъматлари билан қондирилиши керак эди”.

[1]

Д. Вержицкий эса “иқтисодиётни экологиялаштириш бугунги куннинг энг катта муаммоларидан бири бўлиб, ҳозирги вақтда кўплаб мамлакатлар ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатмоқда, иқтисодий ўсиш биосферага жиддий салбий таъсир кўрсатмайдиган ва келажак авлодлар фаровонлиги пойдеворини бузмайдиган шундай яшил иқтисодиёт даражасига эришиш асосий ва глобал мақсад”[2] эканлигини таъкидлайди. Ва бундай лойиҳаларга сармоя киритиш энг муҳим омиллардан бири бўлиб қолмоқда.

В. Лавров, А. Рычков, О. Башориналар ўзларининг мақоласида йигирманчи асрнинг 70-йиллари охиридан бошлаб жаҳон иқтисодиётида ишлаб чиқаришнинг атроф-муҳитга хавfli таъсирини сезиларли даражада камайтириш ва экологик тақчилликни камайтиришга қаратилган “яшил иқтисодиёт” нинг назарий ва услубий асосларини яратиш жараёни бошланганлигини[3] таъкидлайди.

N. Reimers ўзининг тадқиқотларида “...яшил иқтисодиётга инвестициялар киритиш, ҳудудларнинг инвестицион салоҳиятини ошириш муаммолари ўрганила бошланди. Экологик муаммолар, уларни бартараф этиш ва инсониятга салбий таъсирини камайтириш устида ишлаш бошланди. Айнан шу даврда иқтисодиётни яшиллаштириш концепцияси ҳам ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий қилиш бошланди.”[4] дея таъкидлайди.

Шундан кейин экологияни сақлаш, инвестициялар киритишда экологик омилларни ҳисобга олиш, аҳоли ҳаёт фаровонлигини оширишда экологик мувозанатни сақлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилиши янада кучайди. Бу каби ҳаракатлар халқаро миқёсда кенг тус олди ва 1992 йилда Рио-де-Жанейрода бўлиб ўтган БМТнинг Атроф-муҳит бўйича 2-халқаро конференциясида “Барқарор иқтисодий ривожланиш концепцияси” қабул қилинди, бу ўз навбатида техноген иқтисодиёт ўрнини босувчи ва биринчи навбатда, табиатни муҳофаза қилиш ва инсон ҳаёти шароитларини яхшилаш учун экологик талабларни ҳисобга олишни тақазо қилувчи янгича ёндошувга айланди². Ушбу концепцияга кўра, жаҳон

² Рио-де-Жанейрская декларация по окружающей среде и развитию (принята Конференцией ООН по охране окружающей среды и развитию Рио-Де-Жанейро, 3-14 июня 1992 г) // Организация Объединенных Наций: официальный сайт [Электронный ресурс]. - Режим доступа:

хамжамиятининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши керак: иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг ўсиш суръатларини камайтириш ва қайта тикланадиган табиий ресурслар миқдорини сақлаб қолиш. Иқтисодиётни экологиялаштириш жараёнлари ушбу вазифаларни бажаришнинг энг муҳим шартларидан биридир. Ва бунда экологик ноҳуш ҳудудлар аҳволини яхшилаш, камида янада ёмонроқ ҳолга тушиб қолишини олдини олиш, бунда ҳукумат даражасида, глобал даражада саъй-ҳаракатлар қилиниши муҳим аҳамият касб этади.

Бундай ҳудудларга инвестициялар киритишда молиявий механизмларни такомиллаштириш ҳамда ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши борасида ўз фикрларини О.П. Бурматова, Т. Сумскаялар қуйидагича таъкидлашади: “Атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг молиявий механизми ишлаб чиқариш объектларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш фаолиятини амалга ошириш учун энг қулай иқтисодий шароитларни таъминлаш орқали моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларининг минимал харажатлари билан мамлакатдаги экологик вазиятни яхшилашга қаратилган. Шу боис, ҳар қандай давлатда ушбу механизм амалга оширилаётган давлат экологик сиёсатини акс еттиради. Шунинг учун экологик сиёсатнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан экологик муаммоларни ҳал қилишнинг молиявий механизмнинг самарадорлиги билан белгиланади”.[5]

Ҳудудларда экологик вазиятни юмшатиш учун қатор молиявий-иқтисодий механизмлардан самарали фойдаланиш талаб этилади. Бу ҳақда О.Бурматова шундай ёзади “Атроф-муҳитни тартибга солишнинг самарали молиявий механизмини шакллантириш бозор шароитида экологик еҳтиёжлар учун молиявий ресурсларнинг ишончилиги ва етарлилигини таъминлаш бўйича корхоналарнинг ўз маблағлари, барча даражадаги давлат ҳокимияти органларининг бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари ва бошқа манбалардан фойдаланиш талаб қилади бунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларини молиялаштиришда, табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича экологик стратегия ва давлат дастурларини ишлаб чиқишда узоқ муддатли манфаатларни ҳисобга олиш зарурдир.” [6]

Демак, экологик муаммоли ҳудудларни ривожлантириш, мазкур ҳудудларда аҳоли турмуш фароронлигини оширишда тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш, экологик вазиятни юмшатиш учун турли молиявий, иқтисодий, норматив, институционал механизмлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш давр талаби ҳисобланади.

Тадқиқотда юқоридагиларни ҳисобга олиб Қорақалпоғистон Республикасининг бугунги кундаги экологик, иқтисодий, ижтимоий аҳволини ўрганиш орқали ҳудудга инвестициялар киритишни фаоллаштириш бўйича таклиф-тавсиялар берилган.

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақоланинг илмий-назарий асоси сифатида иқтисодий адабиётлар ҳамда илмий мақолалар, хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг инвестиция фаолияти, экологик муаммолар билан боғлиқ ҳудудлар, мамлакат ҳудудларига инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича изланишлари, уларнинг ёзма ва оғзаки фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, иқтисодий жараёнларни кузатиш орқали тегишли йўналишларда хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган. Мавзунини ўрганиш жараёнида иқтисодий, мантиқий, илмий абстракциялаш, индукция, дедукция ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасига, Орол фожиасининг салбий оқибатларини юмшатиш, минтақадаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни яхшилаш борасида ҳукумат даражасида, халқаро даражада катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти БМТ Бош Ассамблеясининг 72–сессиясида сўзлаган нутқида ҳам Орол денгизининг экологик фожиасига алоҳида эътибор қаратганди.

Чунки Орол денгизи қуриши оқибатларини бартараф этиш халқаро саъй-ҳаракатларнинг фаоллигин талаб қилади. Шундан келиб чиқиб, 2018 йилнинг 24 август куни Туркманбоши шаҳрида бўлиб ўтган Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг саммитида Ўзбекистон раҳбари томонидан Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар зонаси деб эълон қилиш таклиф этилди ва бу таклиф қабул қилинди.

2017 йилнинг июнь ойида БМТ Бош котиби жаноб Гуттиерриш Ўзбекистонга ташрифи давомида Ўзбекистон Республикасининг Мақсадли жамғармани ташкил этиш бўйича ташаббусини тўлиқ қўллаб-қувватлашини яна бир бор тасдиқлади. Ушбу йўналишда, БМТнинг Ўзбекистондаги қатор агентликлари (БМТТД, ЮНЕСКО, ЮНФПА, БМТҚД) саъй-ҳаракатларини бирлаштириб, 2017 йилда “Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклик фондини ташкил қилиш орқали Орол фожиасидан зарар кўрган аҳолининг турмуш шароити салоҳиятини мустақамлаш” Қўшма дастурини ишга туширди, бу дастур оғир экологик ҳудудда яшаётган аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш учун халқаро ҳамжамиятнинг таянч платформаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур дастур бўйича 2017-2021 йиллар давомида 5 та халқаро донорлардан умумий қиймати 2 767 934 АҚШ доллари миқдоридagi маблағ ўзлаштирилди. Шу билан бирга мазкур дастур 2023 йилгача узайтирилди³. Бу каби чора-тадбирлар натижасида минтақада сезиларли ўзгаришлар кузатилмоқда.

Шунингдек, минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, бевосита қуриётган Оролни асраб қолиш учун қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 ноябрдаги «2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4889-сонли, 2017 йил 18 январдаги “2017 — 2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида” ги ПҚ-2731-сонли Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2020 йил 17 ноябрдаги КҚ-156-IV-сонли Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги “2022-2026 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 155-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 февралдаги “Орол денгизи тубидаги суви қуриган ҳудудларда «яшил қопламалар» — ҳимоя ўрмонзорлари барпо этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 132-сон, 2019 йил 24 декабрдаги “Орол денгизи тубидаги суви қуриган ҳудудларда «яшил қопламалар» — ҳимоя ўрмонзорлари барпо этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида,” ги 1031 сон қарорлари ва бошқалар. Бугунги кунда бу каби қонун ҳужжатлари ижроси устида мутасаддилар фаолият олиб бормоқдалар.

Ҳудудларни ривожлантиришда унинг ўзига хос жихатларини ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади. Бундай ёндашув мақсадга тезроқ эришишда ва самарадорликни оширишда етакчи омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Ҳудудларни гуруҳлаштиришда бир нечта хусусиятларга қараб ажратиш мумкин. Жумладан, ҳудуд хўжалигининг тарихий характериға кўра, географик жойлашувига кўра, табиий-ресурс салоҳиятиға кўра, тармоқ устуворлик даражасиға кўра, ижтимоий-иқтисодий аҳолиға кўра, экологик вазиятға кўра, ҳудуднинг ривожланишида муаммолик даражасиға кўра ва бошқалар⁴.

Ҳудудларни экологик хусусиятларига кўра гуруҳлаштиришда ҳудуднинг атроф-муҳит тозаллиги, аҳоли турмуш тарзиға таъсири, оналар ва болалар ўлими даражаси, ҳудуддаги аҳоли саломатлигиға таъсири, сув ифлосланиш даражаси, ҳавода кислород миқдори ва корбонад ангидрид даражасининг аҳоли жон бошиға улуши, ичимлик суви билан таъминланганлик

³ www.undp.org. Building the resilience of communities affected by the Aral sea 2021 Summary Report

⁴ <https://studfile.net/preview/1755823/>

даражаси каби омиллар ҳисобга олинади. Ва шу асосда ҳудудларни экологик гуруҳланишини шартли равишда қуйидагича ажратиш мумкин: Юқори даражада қулай ҳудудлар; қулай ҳудудлар; қониқарли ҳудудлар; ноқулай, муаммоли ҳудудлар.

Экологик вазият сабабли ҳудуднинг иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан бошқа ҳудудлардан ортда қолиши, аҳоли турмуш фаровонлигининг мамлакат ўртача даражасидан кам (паст поғоналарда) бўлиши, маҳаллий даражада ҳудуднинг ўзи бу муаммони ҳал қила олмаслиги каби омиллардан келиб чиқиб, экологик ноҳуш вазият мавжуд бўлган ҳудудни ҳам муаммоли ҳудудлар сирасига киритиш мумкин.

Экологик ноқулай ёки муаммоли ҳудудларни ҳам ўз хусусиятларига кўра бир неча турларга ажратиш мумкин:



1-расм. Экологик ноқулай, муаммоли ҳудудларнинг таснифланиши

Манба: Муаллиф ишланмаси

Қорақалпоғистон Республикаси ҳам экологик жиҳатдан муаммоли ҳудуд ҳисобланади ҳамда минтақани ҳар томонлама ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий юксалтириш, ҳудуд аҳолиси фаровонлигини ошириш бу ерга киритилаётган инвестицияларга, уларнинг самарадорлигига узвий боғлиқ бўлиб қолмоқда. Минтақадаги экологик вазият инсон омили натижасида Орол денгизига қўйилувчи дарё сувларини ҳаддан ортиқ сарфланиши оқибатида денгизга сув етиб бормасдан унинг қуришини келтириб чиқарган. Оқибатда дунё миқёсида энг йирик денгизлардан бири ўзанидан бир неча юз марта кичрайиб, атроф-муҳитга катта зарар етказишни бошлаган. Мазкур муаммолар ҳудуднинг умумий иқтисодий-ижтимоий ривожланишига таъсир ўтказмоқда.


Экологик муаммо - бу антропоген таъсир ёки табиий офатлар натижасида табиатнинг тузилиши ва фаолиятининг бузилишига олиб келадиган табиий муҳитнинг ўзгариши⁵.

Аввало, экологик муаммоли ҳудудларнинг пайдо бўлишига сабаб бўладиган омилларни, уларнинг асосий белгиларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бундай ҳудудлар пайдо бўлишининг сабабларига эса табиий офатларни, сиёсий

⁵ Бурко Р., Терёшина Т. Экологические проблемы современного общества и их пути решения // Молодой ученый. 2013. №11. С. 238.

сабаблар(урушлар), технологик сабаблари(нотўғри ишлаб чиқариш асоратлари, меҳнат муҳофазасига амал қилмаслик оқибатлар), табиий ресурслардан нотўғри фойдаланиш ва бошқаларни киритиш мумкин.

Қуйидаги расмда бундай ҳудудларнинг асосий белгилари келтирилган бўлиб, ҳудудларнинг экологик вазиятига кўра бундан бошқа яна бир қанча белгилар ҳам бўлиши мумкин.



2-расм. Экологик муаммоли ҳудудларнинг асосий белгилари

Манба: Муаллиф ишланмаси

Юқоридаги расмдан экологик муаммоли ҳудудларнинг асосий белгиларини кўришимиз мумкин ва бунда Қорақалпоғистон учун алоқадор бўлган унсуларни ажратиш мумкин, хусусан, минтақа экологияси қолган 13 та ҳудуд орасида сезиларли фарқ қилади, Орол денгизи фожеаси эса муаммонинг ўзагини ташкил қилади, минтақа аҳолиси ўртасида кўз касалликлари, респиратор ва аллергик касалликлар, юқори нафас органлари билан боғлиқ касалликлар салмоғи кўпроқ.

Қорақалпоғистон Республикаси мамлакат минтақалари ичида ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ўртача ва ўртачадан паст бўлган минтақа ҳисобланади⁶. Ҳудуднинг иқтисодий-ижтимоий юқори кўрсаткичга эга эмаслиги кўп жиҳатдан Орол фожиаси билан, ҳудуднинг экологик муаммоли вазиятда эканлиги боғлиқ.

Қорақалпоғистон Республикасининг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини белгиловчи асосий омиллардан бири инвестицион фаолиятнинг қай даражада эканлигидир. 2015-2020 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини кўрадиган бўлсак, 2020 йилда 2015 йилга нисбатан ЯҲМнинг ўзгариши 3,2 марта ўсган. Охириги йилларда ЯҲМнинг ўсиш суръатлари олдинги йилларга нисбатан 2-10 фоизга тенг бўлган.

Қорақалпоғистон Республикасида инвестицион фаолиятнинг
ривожланиш тенденциялари

Кўрсаткичлар	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2020 йил 2015 йилга нисбатан
ЯҲМ , млрд. сўм	6 703,8	8 568,3	10 855,1	15 703,5	19 715,0	21 949,3	+3,2 марта
ЯҲМ ўсиш суръати, % да	110,5	112,5	106,1	105,8	107,0	102,1	+138,0 %
Инвестицияларнинг ўсиш суръати (ўтган йилга нисбатан,%	133,5	56,2	60,4	169,9	100,3	69,9	-40,4 %
Инвестицияларнинг ЯҲМдаги улуши %	89,8	44,1	26,0	43,0	44,4	37,2	-52,6 %
Аҳоли жон бошига инвестициялар, минг сўм	3 388,2	2 094,0	1 542,2	3 641,1	4 644,4	3 710,0	+1,1 марта

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Худуднинг асосий иқтисодий кўрсаткичларидан ҳисобланувчи инвестициялар ҳажми эса 2020 йилда 2015 йилга нисбатан 40 фоизга камайган. Инвестицияларнинг ЯҲМдаги улуши эса 2020 йилда 37,2 фоизни ташкил қилиб, 2015 йилга нисбатан бу кўрсаткич 52,6 фоизга камайган. Аҳоли жон бошига тўғри келувчи инвестициялар 2020 йил 3 710 минг сўмни ташкил қилган ва 2015 йилга нисбатан 1,1 марта кўпайган. Аҳоли жон бошига тўғри келувчи инвестициялар ҳажми номинал қийматда ҳисобланганлиги сабабли бу кўрсаткич мусбат натижа бермоқда. Қолган инвестиция кўрсаткичларининг охириги йилларда реал ўсишга эга эмаслигига эса худуднинг экологик ноҳуш вазиятда эканлиги, инвестиция муҳитининг яхши эмаслиги, инфратузилма муаммоларининг мавжудлиги, худуднинг иқтисодий-табиий потенциали тўғрисида хорижий инвесторларда тўлиқ тасаввур йўқлиги каби омиллар таъсир қилмоқда.

Минтақага йўналтирилаётган инвестициялар, асосан, йирик газ-кимё корхоналарини қуришга сарфланмоқда. Минтақада инвестиция ҳажмларининг ўсиш суръатлари охириги йилларда мамлакатнинг ўртача кўрсаткичига эга бўлган.

Бу каби худудларни ривожлантириш, аҳоли турмуш сифати ва фаровонлигини ошириш, аҳоли учун экологик ноҳуш таъсирларни камайтириш, худуднинг иқтисодий-ижтимоий барқарор риволантиришга эришиш долзарб муаммо ҳисобланади. Бу вазифаларга давлатнинг бевосита аралашувисиз эришиш мумкин эмас. Орол фожиаси эса кўлами жиҳатдан глобал даражада кўмакни талаб қилувчи ҳодисадир. Буларнинг бари эса молиявий асосларга бориб тақалади ва бунда хорижий ҳамда миллий инвестицияларни кўпроқ жалб қилиш, энг асосийси, уларнинг самарадорлигини ошириш вазифаларини амалга оширишни талаб қилади.

Глобал дунё иқтисодиётида, одатда, инвесторлар инвестиция муҳити ҳар томонлама қулай бўлган, инфратузилма афзалликлари юқори бўлган, табиий ресурсларга эга ҳамда, албатта, экологик жиҳатдан тоза худудларга (объектларга) ўз сармояларини киритишга ва кўпроқ самарага эришишга интилишади. Лекин, иқтисодиётда риск ҳолати мавжудки, унда экологик муаммоли худудларга инвестиция

киритиш оқибатида инвестор кўтилган самарага эришмаслиги мумкин, шунинг учун ҳам бундай ҳудудлар юқори riskли ҳудуд ҳисобланиб инвесторлар бу каби ҳудудларга ўз сармояларини киритишга иккиланишади. Бундай ҳолатларда ҳукумат ўзининг молиявий, номолиявий усулларни қўллаб, турли имтиёз, енгилликлар ва кафолатлар бериш орқали инвесторларни кўпроқ жалб қилишга уринади.

Хулоса (таклифлар)

Қорақалпоғистон Республикасига инвестицияларни янада кўпроқ жалб қилиш, ҳудуднинг инвестицион муҳитини яхшилаш, экологик вазиятни юмшатиш, аҳоли турмуш фаровонлиги даражасини ошириш учун қуйидагилар амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

- минтақада инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун шарт -шароитлар, шу жумладан, қулай маъмурий муҳитни яхшилаш, инвестиция жараёнининг инфратузилмаси, инвестицияларни жалб қилиш ва қўллаб-қувватлашнинг молиявий механизмларини такомиллаштириш, шунингдек инвесторлар томонидан яратилган маҳсулотларга талабни рағбатлантириш;

– Инвесторлар учун экологик муаммоли, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ортда қолаётган ҳудудлар учун алоҳида имтиёзлар пакетини ишга тушириш, бунда жаҳон тажрибасини ҳисобга олиш(масалан, Чехияда иқтисодий жиҳатдан орқада қолган ҳудудларига сармоя киритилса, алоҳида имтиёзлар учун сармоя миқдори 3 миллион АҚШ долларигача камаяди, одатий ҳолда эса бу миқдор 10 миллион АҚШ доллари ҳисобланади);

– ишчи кучига талаб юқори ҳудудлар ва иш ўринлари кам ҳудудларда алоҳида имтиёзлар жорий қилиш(узоқ Мўйноқ, Кегейли каби туманларда имтиёзлар яратиш, Нукус шаҳри, Нукус, Беруний, Тўрткўл каби туманлар учун имтиёз қўлламаслик);

– Молиявий имтиёзлар турларини кенгайтириш: даромад солиғидан озод этиш-хорижий инвестиция миқдорига кўра, мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланмаган ёки ортда қолаётган ҳудудига киритилган инвестициялар миқдорига кўра, яратилган иш ўрнига кўра турли йилларга берилади; экологияни асрашга қаратилган техника ва технологиялар олиб кирилгани учун ёки инфраструктура муаммоларини бартараф этгани учун солиқ кредитлари ва субсидиялар, иқтисодий-ижтимоий ривожланишда ортда қолаётган ҳудудларда яратилган ҳар бир иш ўрни учун компенсациялар бериш ва бошқалар;

– туманларда инвестицияларни жалб қилиш мақсадида ишбилармонларни, тадбиркорларни халқаро кўргазма, анжуманларга маҳаллий бюджет ҳисобидан юбориш ва бошқалар.

Албатта, юқорида кўриб чиқилган таклиф ва тавсиялар амалиётда мамлакат қонунчилиги асосида, тегишли шартлар билан, оқилона сиёсат юритган ҳолда ҳаётга татбиқ этилсагина ўз иқтисодий ва ижтимоий самарасини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ситак, Л. А. Развитие представлений о взаимодействии человека с природой // Социально-гуманитарные знания. - 2016. - № 3. - С. 70-76.
2. Вержицкий, Д. Г. Экологический сектор экономики и его роль в процессах экологизации // Международный журнал прикладных и фундаментальных

исследований. – 2015. – № 12. – С. 1096-1100.

3. Лавров, В. Н., Рычков, А. Ю., Башорина, О. В. Экологизация экономики - важное направление становления социального государства // Вестник Уральского института экономики, управления и права. - 2013. - № 2. - С. 48-54.

4. Reimers N. F. Nature management: a dictionary-reference book, Moscow, Mysl', 1990, 637 p.

5. Бурматова О. П., Сумская Т. В. Финансовые аспекты обеспечения эколого-ориентированного развития // Мир экономики и управления. 2016. Т. 16, № 2. С. 44–56.

6. Burmatova O. P. Problems and prospects in the field of environmental finance. Bulletin of the NSU. Series: Socio-economic sciences, 2005, vol. 5, iss. 2, p. 38.

7. Фролов А.С. Сущность и особенности экологизации экономики//Вестник университета. 2021. № 2. С. 124–129

8. Н.В. Яковенко. Социально-экономическая устойчивость депрессивного региона (Ивановская область) ISSN 1810-0198 Вестник ТГУ, т.18, вып.2, 2013, 6 стр

9. Бурко Р., Терёшина Т. Экологические проблемы современного общества и их пути решения // Молодой ученый. 2013. №11. С. 238.

10. Philip Micklin. The Aral Sea. The Devastation and Partial Rehabilitation of a Great Lake. Springer 2014.

11. Маденова Эльмира Нзаматдиновна, “Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегияси” Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси, 2019 йил.